

ОНА КОНЦЕПТИНИНГ ДУНЁ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ, ДИН ВА МАДАНИЯТДАГИ ТАЛҚИНИ

Тагаева Сайёра Улашевна

PhD, Роман-герман тиллар кафедраси, Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети

Бозорова Умида Қиличевна

укитувчи, Роман-герман тиллар кафедраси, Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети
bozorovaumida11@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада тилшуносликда хозирда долзарб мавзулардан хисобланган она концепти, унинг дин ва маданиятдаги талқини ҳақида сўз юритилган. Она ҳимоя ва мўл-кўлчилик рамзи бўлиб, кўпинча серпушт, ҳиссий рамздир. Мадонна инсоннинг когнитив тизимида чуқур илдиз отган метафорадир. Оналик метафораси инсон мавжудлигига шунчалик чуқур кириб борганки, онанинг хусусиятлари аёл бўлмаган бошқа нарсаларга кўчирилади. Турли маданиятларда оналик умумий атамаларда тушунилади. Қайси мамлакатда, минтақада ёки синфда бўлишидан қатъий назар, эски мифологик тизимларда оналик васф этилади ва унга бола туғиш жисмоний ҳаракат чегарасидан бошқа анча ташқарига чиқадиган маъноси берилади. Замонавий жамиятларда Она концепти маданият ва тарихий даврга қараб турлича талқин этилади. Хусусан, ота ва она концептуал-когнитив фрейми мисоллар орқали ифодаланган. Барча таҳлил қилинган мақол ва маталлар немис ва узбек (рус) тилларида таснифланган.

Калит сўзлар: когнитив, концепт, фрейм, мифология, коннотация, метафора, она

Аннотация. В данной статье речь идет о концепте матери, который является одной из актуальных тем в языкознании, и его трактовке в религии и культуре. Мать является символом защиты и изобилия и часто является знойным, эмоциональным символом. Мадонна — это метафора, глубоко укоренившаяся в когнитивной системе человека. Метафора материнства настолько глубоко укоренилась в человеческом существовании, что материнские характеристики переносятся на другие неженские объекты. В разных культурах материнство понимается в общих чертах. Независимо от страны, региона или класса материнство в более старых мифологических системах характеризуется и придается значение, выходящее далеко за рамки физического акта родов. В современных обществах понятие Матери интерпретируется по-разному в зависимости от культуры и исторического периода. В частности, на примерах представлен концептуально-когнитивный фрейм отца и матери. Все проанализированные пословицы и поговорки классифицированы на немецком и узбекском (русском) языках.

Ключевые слова: когнитивный, концепт, фрейм, мифология, коннотация, метафора, мать.

Abstract. This article talks about the concept of mother, which is one of the current topics in linguistics, and its interpretation in religion and culture. The mother is a symbol of protection and abundance, and is often a sultry, emotional symbol. Madonna is a metaphor deeply rooted in the human cognitive system. The metaphor of motherhood is so deeply embedded in human existence that maternal characteristics are transferred to other non-female objects. In different cultures, motherhood is understood in general terms. Regardless of country, region, or class, motherhood in older mythological systems is characterized and given meaning that goes far beyond the physical act of giving birth. In modern societies, the concept of Mother is interpreted differently depending on the culture and historical period. In particular, the conceptual-cognitive frame of father and mother is represented by examples. All analyzed proverbs and sayings are classified in German and Uzbek (Russian) languages.

Key words: cognitive, concept, frame, mythology, connotation, metaphor, mother

Замонавий илм фанда Она тушунчаси аста-секин дунёнинг бир қатор коннотациялари билан бойитилган ғояларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашиши тарихини ўзида акс эттирган. Она тоифаси психология, социология, фалсафа, мифология, гендерология, тилшунослик ва бошқа кўплаб илмий антропологик йўналтирилган гуманитар парадигмалар доирасида кўриб чиқилади. Илк бор Она концепти инсон тўғрисидаги фанлар, хусусан, антропология ва социологияда ёритилган бўлиб, онанинг жамият ва инсонлар учун аҳамияти тўғрисидаги масала уларнинг диққат марказида бўлган. Антрополог ва социолог Ёхан Якоб Баховен қадимги жамиятларда афсоналар, рамзлар, динларни ўрганар экан, патриархат ижтимоий ривожланишнинг атиги иккинчи босқичи эканлигини ва аёллар ҳукмронлик қилган ва оналик ҳуқуқи асосий бўлган жамиятдан кейин келганини англаб етади [Bachofen 2006]. Баховен оналик ва оталик муҳаббатининг ролини ижтимоий маданият кўрсаткичи деб билади: “Онанинг роли ўз болаларини тарбиялашдир; аёл, эркакдан олдин, “Мен”дан ташқари ўз меҳр-муҳаббатини бошқа одамга етказиш ва бошқанинг мавжудлигини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун ўзида мавжуд бўлган барча инъомларни йўналтиришни идрок этади” [Bachofen 1992: 79].

Аналитик психологиянинг асосчиси Карл Густав Юнг томонидан кашф этилган она психологик архетипи ва жамоавий онгсизлик концептлари шахс ва жамиятни англаб етишнинг кўплаб муаммоларини тушунтириб бера олади. Карл Юнг архетипни “одатдаги инсон тажрибасини акс эттирувчи универсал ва рекуррент образ, модел ёки мотив” сифатида таърифлаган. Ҳар бир инсоннинг онаси бор, инсоннинг бутун ҳаёти қуршовда, она ёки унинг ўрнини босадиган инсон бўлган муҳитда ўтади. “Она” архетипи инсон руҳиятига сингиб кетган биринчи тасаввурлардан биридир. Ҳомиладорлик,

унинг ўтиш даври, боласини эмизиши, меҳр-муҳаббати, оналик тафтининг илиқлиги, хавотири, юмшоқлиги ва қатикқўллиги, оқилалиги, қонун ва тартиб- интизомдан олдин юз беради [Jung 1959: 4].

“Она” архетипи, бошқа кўплаб архетиплар сингари, ҳар хил қиёфаларда (кўринишларда) намоён бўлади. Энг аввало, бу ўз онаси, бувиси, ўгай онаси, қайнонаси (эрининг/хотинининг онаси) ва ундан кейин муносабатларга эга бўлган ҳар қандай аёл, масалан, энага ва бошқалар. Она архетипи кўпинча унумдорлиги ва мўллиги билан машҳур бўлган нарсалар ва жойлар билан боғлиқ: мўл-қўл шудгорланган дала, боғ. У ҳимоя, ишончлилик вазибаларини бажарадиган, бошпана ва озик-овқат билан таъминлайдиган қоя, ғор, булоқ, қудуқ билан боғлиқ бўлиши мумкин [Jung 1959: 15].

Эрих Фромм Она концепти ҳақидаги фикрларини давом эттириб, оналик худосининг католиклар маънабида IV асрдан бошлаб, биринчидан, черковнинг, барча имон келтирувчиларнинг онаси сифатида Буюк Онанинг аҳамияти, иккинчидан, Ота Худодан ажралиб, ўзининг муқаддас кучига эга бўлган Биби Марямга сиғиниш натижасида эришган ролини таърифлайди. Чақалоқ (гўдак) Исони эмизаётган Мадонна иноят берувчига айланди ва католик ўрта асрларнинг рамзи бўлиб қолди [Фромм 1998].

Онага хос ижтимоий хусусиятлар тўғрисида турли назарияларнинг мавжуд эканлиги, К. Юнгнинг Буюк Она ва оналик архетипи ҳақидаги концепцияси ушбу концептни ёритишда турли илмий йўналишдаги ғояларнинг ўхшаш томонлари борлигини кўрсатди. Оналик кўплаб маданий маъноларга эга. Ёш ҳаётнинг дунёга келиши ва вояга етказилиши кўплаб диний ҳамда маданий анъаналарда “аёллик” ва “оналик” тушунчаларининг бирлашишига олиб келди, унда оналик муқаддас ва қудратли маънавий йўл сифатида эътироф этилади. Дунё бўйлаб барча маданиятларда она сиймоси санъат, афсона ва драматургиянинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Диний ёзувлар ва афсоналар оналикни юқори ўринга қўяди. З.Фрейд ва бошқаларнинг аниқлашича, аёллар биринчи худолар бўлиб, ўз жамиятлари томонидан улуғланган [Freud 2000; Goodrich 1989].

Диний мифологиялар ва маҳаллий фольклор таъсирида оналик шарафини мадҳ этувчи фидойилик мисоллари Европа, Африка ва Осиёнинг мумтоз адабиётларида жуда кўп учрайди. Бир томондан, оналар ижодкор, ўқитувчи ва маъбуда сифатида улуғланади, бошқа томондан, улар хайратга солади, чунки улар нафақат ҳимоя қилади, балки йўқ қилади ҳам.

Шуни айта оламизки, она сиймолари аксарият маданиятларга хосдир. Она ҳимоя ва мўл-қўлчилик рамзи бўлиб, кўпинча серпушт, хиссий рамздир. Кўкрагида боласи бор аёл, Мадонна инсоннинг когнитив тизимида чуқур илдиз отган метафорадир. Оналик метафораси инсон мавжудлигига шунчалик чуқур кириб борганки, онанинг хусусиятлари аёл бўлмаган бошқа нарсаларга кўчирилади. Турли маданиятларда оналик умумий атамаларда тушунилади. Қайси мамлакатда, минтақада ёки синфда бўлишидан қатъий назар, эски мифологик тизимларда оналик васф этилади ва унга бола туғиш

жисмоний ҳаракат чегарасидан бошқа анча ташқарига чиқадиган маъноси берилади. Замонавий жамиятларда Она концепти маданият ва тарихий даврга қараб турлича талқин этилади. Ушбу концепт бўйича тадқиқотлар тарих, маданият, афсоналар яратиш, янги репродуктив технологиялар ва туғилишни назорат қилиш сиёсати нуқтаи назаридан олиб борилади. Айтиш мумкинки, оналикни ташкил этадиган тушунчалар, рамзлар ва маданий амалиётлар дунёда бир хил эмас ва хронологик жиҳатдан барқарор эмас.

Бизнинг муқаддас динимизда ота ва онага муносабат, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир кишининг илоҳий вазифаси эканлиги қайта-қайта уқтирилади. Эрнинг хотинга, хотиннинг эрга, фарзанднинг ота-онага ҳақлари бирма-бир санаб ўтилганлиги ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди. Ота-онага итоат одоби, ота-она ҳақини адо этиш, ота-онага яхшилик гўзал фазилат эканлиги ҳақида ҳадиси шарифларда очиқ-ойдин айтилган. «Жаннатга йўл ота-она орқали ўтади» деган калимаи шариф ҳам исломда фарзандларни ота-онага ҳурмат ва мухаббат руҳида тарбиялашга даъват ўлароқ янграйди. Демак, жаннатдан умидвор мусулмон фарзанди Тангри таолонинг ўзигагина ибодат қилиши ва ота-оналарига яхшилик қилишлари лозим. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Мирзо Юсуф жомеъ масжиди имом хатиби Раҳматуллоҳ Термизий келтирган ва шарҳлаган матни келтириш ўринли: агар улардан (яъни ота-онадан) ёки иккови ҳам сенинг ҳузурингда кексайиб қолган бўлса, эй фарзанд, сен уларга асло «уфф» дея кўрма, уларни жеркима, уларга шафқат-қанотингни ёз ва айтгинки, «Роббим, ота-онам мени гўдаклигимда тарбия қилганларидек, энди сен уларга раҳм қил». «Эътибор қилинг», деб ёзади Раҳматиллоҳ Термизий, «уфф» деган сўз, аслида бир сўз ҳам, ҳарф ҳам эмас, инсон зерикканида, чарчаганида, норози бўлганида, норози кайфиятни ифода қилувчи оддий бир овоз. Аммо манна шу «уфф» деган овознинг ота-она олдида чиқарилиши харом бўлади. Фарзанд ота-онанинг ҳузурда «уфф» дейиши – ота-она кўнглига малол келади, улар «фарзандларимизга малол келтириб қўйдик» деб ўйлашади. Оллоҳ таоло эса, ота-онанинг кўнглини ранжитмасликни фарзандларга буюрмоқда. [Раҳматуллоҳ Термизий, кун.уз].

Раҳматуллоҳ Термизий ушбу ўринда яна намоз ичида ота-онага дуо қилиш, ота-оналик риштасини ҳеч нарса, ҳатто динсизлик ҳам уза олмаслиги, ота-она билан тортишиш ножоиз эканлиги, аввал онага, сўнгра отага, кейин опа-сингилга яхшилик қилиш, онанинг уч марта зиёда қилинганлиги сабаби, ота-онаси тирик фарзанд – моли ҳеч қачон касодга учрамайдиган тижоратчи эканлиги каби мажбуриятларимиз ҳақида ҳам батафсил маълумот беради.

Бу сингари ота-онага, айниқса, онага чуқур эҳтиром ва ҳурмат туйғулари ифодаланган сўзларни биз христианларнинг муқаддас китоби «Инжил» да ҳам учратишимиз мумкин. «Инжил» нинг 2: 4-5- номаларида эрлари ва фарзандларини севиши масъум ва иффатли, пок, эрларига итоаткор бўлиши ҳақида гапирилади вақ бола тарбиясида она ва ота бажариши керак бўлган мажбуриятлар қайд этилади. Бироқ, «Инжил»нинг бирор жойида ҳам, ҳар

бир аёлнинг она бўлиши мажбурий эканлиги қайд этилмаган. Аммо унда аёл ўз масъулиятига эътиборли бўлиши лозимлиги, она бўлиш бахтига муяссар бўлган аёл бу бахтга жиддий муносабатда бўлиши уқтирилган. “Инжил”га кўра, она нафақат гўдакни қорнида кўтариб юриши, озиқлантириши, балки кейинчалик ҳам у ҳақда ғамхўрлик қилиши ҳақида гапирилган. “Инжил”да “она” сўзи 96 марта учрайди. Шунингдек, мазкур муқаддас китобда ҳар бир она ўз қалбида сақлаши, амал қилиши лозим бўлган 15 та ҳолат кўрсатиб ўтилган. [Қаранг: Библия о матери – христианка// www.google.com].

Она ҳақида исломда ва христиан динида айтилган ўринлар унинг ҳар қандай динда ҳам ўрни жуда юксак эканлигидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, она тоифаси билан боғлиқ мавжуд маданий, ижтимоий ва диний образлар ва тасаввурларни тадқиқ этиш маданий, ижтимоий ва диний билимларни рўёбга чиқаришда Она метафорасининг муҳим ролини очиб берди. Она концепти юқори ассоциатив ва эмоционал салоҳиятга, шунингдек, барча лисоний маданиятларда ижобий коннотацияга эга. Она иссиқлик, қулайлик, ҳимоя, ғамхўрлик, меҳр-оқибат, муҳаббат манбаидир. Гендер тилшунослигида оналик, бола туғиш ва тарбиялаш олам аёл манзарасининг энг ажратиб кўрсатилган соҳалари сифатида намоён бўлмоқда. Концептни ўрганишда онанинг ҳаётни яратиш, болаларда генетик из қолдириш, онанинг бола билан ҳаётий зарур маънавий, жисмоний ва моддий боғлиқлиги, она оилавий анъаналарнинг сақловчиси сифатида каби белгилари муҳимдир.

Adabiyotlar

1. СПНРС- Добровольский Д.О. Самый полный немецко-русский словарь (количество томов: 3). Издательство: АСТ, 2015. - 3568 с.
2. DeReKo. Die werdende Mutter wird mit Sorgfalt und Nachsicht behandelt [<https://www.dwds.de>].
3. Foley, W.A. Anthropological Linguistics: An Introduction Text. / W.A. Foley. Oxford: Blackwell 1997. - 495 p.
4. Karl Heinemann. Goethes Mutter.1909. S-388.
5. Kroeber A.L. Classificatory systems of relationship Text. / A.L. Kroeber // Journal of the Royal Anthropological Institute. 1909. - 39. - P. 77-84.
6. Strauss Cl., Quinn, N. A Cognitive Theory of Cultural Meaning Text. / Cl. - Cambridge: Cambridge University Press, 1997. -323 p.
7. Wierzbicka A. Semantics, culture and cognition: universal human concepts in culture-specific configurations Text. / A. Wierzbicka. New York: Oxford Univ. Press, 1992. - 487 p. 1.
8. Саидова М.,Кўзиев У. Лингвокультурология. (Услубий кўлланма). Нам.ДУ 2017й.
9. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Издательство: Языки русской культуры ISBN: 5-88766-067-0. 1997

-
10. Isakova N.A., Interpretation of the term borrowing from foreign languages//International journal of Language, Education, Translation, N3(2022), pp/25-3., Toshkent, doi.org/10.5281/zenodo.7191478
 11. Isakova Nodira ., Issues of borrowing in the language and its types // International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I5.583 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 05 2022 4825